

Соғломлик калити

2 - Талабалар турар жойи 3,4 қават фойесида ГИМ, ҚСХЕТ талаба қизлари билан ҳафтада икки мартаба фитнес спорти билан шугуланишмоқда. Ҳамма ҳам соғлом, тетик ва бақувват бўлишни, ўз ёшлигини, қобилиятини сақлашга ҳаракат қилади. Бунга эришишнинг асосий вазифаси эса жисмоний ҳаракатлардир.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, айна вақтда, мамлакатимизда етук, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги туб ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳтарам Президентимизнинг беш муҳим ташаббусининг иккинчи ташаббуси ҳам айнан ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган.



Тарбиячи педагог, психолог Сагдуллаева Дилором ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов